
ФАРҒОНАЛИК БИР ГУРУҲ ФАОЛ ТАДБИРКОРЛАРГА ДАВЛАТИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан сўнгги икки йилдан буён юртимизда 20 август Тадбиркорлар куни сифатида кенг нишонланиши яхши анъанага айланди.

Бу сана муносабати билан Президентимизнинг тегишли Фармон ва Фармойишига кўра, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, соҳада янги ва истиқболли лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш, юртимизнинг иқтисодий қудрати ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтиришга қўшаётган улкан ҳиссаси учун бир гуруҳ фаол ва фидойи ҳамюртларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланади. Ўз навбатида ўзининг ташаббускорлиги, замонавий билим ва тажрибасини намоён этиб, инвестицияларни жалб қилиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишни янада кенгайтириш, аҳоли бандлиги ҳамда фаровонлигини таъминлаш йўлидаги алоҳида жонбозлиги учун эътибор ва рағбат кўрсатилади.

Қувонарлиси, бу йил ҳам бир гуруҳ энг фаол тадбиркорлар давлатимизнинг энг юксак ордени ва медаллари ҳамда “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланди. Бундай юксак эътирофга сазовор бўлганлар орасида 11 нафар фарғоналиклар ҳам борлигини барчамизни беҳад мамнун этади.

Бугун Фарғона шаҳридаги Ислон Каримов номидаги вилоят театр-концерт саройида ордени, медали ва кўкрак нишонларини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров йиғилганларни яқинлашиб келаётган Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз уч йиллиги санаси билан қутлаб, ҳар қандай мамлакат тараққиётини таъминлаш, энг аввало, бу юртнинг иқтисодий салоҳияти, қулай тадбиркорлик муҳити яратилганлиги билан бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлади. Шунингдек, муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан бу борада кейинги йилларда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар юрт равнақини таъминлашга қаратилган орзу-мақсадларимизни рўёбга чиқариш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлаётганлигига алоҳида тўхталди.

Шундан сўнг гулдурас қарсақлар остида мукофотлар тантанали тарзда ўз эгаларига топширилди.

Тантанали тадбирда сўз олган тадбиркорлар билдирилган юксак ишончга муносиб бўлиш учун сидқидилдан меҳнат қилиб, мамлакатимиз, хусусан, вилоят иқтисодиёти юксалишига ўз ҳиссасини қўшиш, янги иш ўринлари яратиш орқали халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш ҳамда экспорт ҳажмини оширишга ваъда бердилар.

Тадбирдан сўнг Фарғона шаҳридаги “Вайн гарден” тантаналар мажмуасида байрам дастурхони ёзилди. Вилоятимизнинг таниқли санъаткорлари, ашула ва рақс ансамбллари ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларга хуш кайфият бахш этди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг

[Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-08-15 20:06:16